Шартнома № 12

**Лот 52854 18.03.2022**

Махсус транспорт воситаларини ижарага бериш

Учкудук ш . " 18 " март 2021 йил

Учкудук ТЙФУК,бундан кейин ***"Буюртмачи"*** номидан устав асосида иш юритувчи директор Э.Мўминов бир томондан ва иккинчи томондан «БОҚИЙ ИСТИҚБОЛ» ФХ бундан кейин ***"Бажарувчи"*** номидан устав асосида иш юритувчи директор А.Неъматов,мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузди лар.

## I.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 ***"Бажарувчи"***, ***"Буюртмачи"***нинг буюртма хатига асосан ***"Буюртмачи"***га махсус транспорт (экскаватор) хизматини кўрсатади.

1.2 Махсус транспорт ROBEX-1400W-7 русумли экскаватор учун ***"Буюртмачи"*** ушбу шартномага мувофиқ тегишли ҳақни ***" Бажарувчи"*** нинг ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли билан тўлаб бериш мажбуриятини олади.

## II.ШАРТНОМА БАҲОСИНИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1 ***"Буюртмачи"*** ***"Бажарувчи"***га махсус транспорт воситаси томонидан кўрсатилган хизматлар учун, хайдовчининг иш ҳақи билан ҳар-бир ой учун ***35 000 000*** (Ўттиз беш миллион)сўм тўлайди,махсус транспорт воситаси хизматининг шартномавий баҳоси ҚҚС билан/сиз Ўн ой муддатда ***350 000 000*** (Уч юз эллик миллион) сўмни ташкил қилади ва ушбу суммани тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

2.2 ***"Буюртмачи"*** тўловларни ***"Бажарувчи"*** томонидан кўрсатиладиган ҳар ойлик махсус транспорт хизмати ҳақининг 50 фоизини олдиндан тўлаб беради.

2.3 ***"Буюртмачи"*** ***"Бажарувчи"*** томонидан кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ҳисоб-фактураларга асосан тўловни "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли билан тўлаб берилади.

## III.ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИЛАРИ

3.1 ***"Буюртмачи"*** ***"Бажарувчи"***га тўловларни мазкур шартномада белгиланган муддатда амалга оширади;

3.2 ***"Буюртмачи"*** ***"Бажарувчи"*** томонидан ҳар ойда кўрсатилган махсус транспорт томонидан бажарилган хизматлар ҳисоб-фактурага асосан 10 (ўн) банк куни ичида тўлаб беради;

3.3 ***"Буюртмачи"*** ***"Бажарувчи"***га техник хизмат кўрсатиш,асбоб-ускуналар билан таъминлаш,махсус транспорт воситасини хавфсиз жойда сақлаш ва таъминлаш мажбуриятини олади;

3.4 ***"Буюртмачи"*** ***"Бажарувчи"***нинг махсус транспорт воситасини ўз ҳисобидан ёнилғи мойлаш махсулотлари билан таъминлайди ;

3.5 ***"Буюртмачи"*** ***"Бажарувчи"***нинг махсус транспорт воситаси ҳайдовчиси иш жараёнида меҳнат муҳофазаси,техника хавфсизлиги,Ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилишга мажбур;

3.6 Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажаради;

3.7 ***"Бажарувчи"*** ***"Буюртмачи"***га буюртма хати бўйича тузилган мазкур шартномага асосан техник соз холатдаги махсус транспорт воситаси билан таъминлайди;

3.8 "Бажарувчи" махсус транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи хужжатлар ва махсус ваколатли органлар кўригидан ўтган транспорт воситасини техник созлиги тўғрисидаги хужжатлар билан таъминлайди;

3.9 ***"Бажарувчи"*** ***"Буюртмачи"***га махсус транспорт воситаси томонидан кўрсатилган хизматларнинг ойлик ҳисоб-фактураларини ўз вақтида тақдим этиш мажбуриятини олади.

## IV.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Хизмат кўрсатиш муддатлари кечиктирилиб юборилган ишлар,бажарилмаган ёки хизмат лозим даражада кўрсатилмаган ҳолларда *"Бажарувчи" "Буюртмачи"*га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди,бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 15 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим;

4.2 Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун *"Буюртмачи" "Бажарувчи"*га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда перянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

4.3 Мазкур шартноманинг талабларини томонлар бажармаган ёки тўлиқ бажармаган тақдирда,улар Ўзбекистон Республикасининг амалий қонунчилигига жумладан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси" тўғрисидаги Қонунга асосан жавобгар бўладилар.

## V.ФОРС-МАЖОР

5.1 Агар тарафлар шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бартараф қилиб бўлмайдиган куч ҳоллари (форс-мажор) рўй берганда бажара олмасалар ва бу ҳолатлар ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган бўлса,тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

## VI.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1 Мазкур шартнома юзасидан томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро музокаралар олиб бориш йўли орқали ҳал қилинади.

## VII.БОШҚА ҲОЛАТЛАР

7.1 Мазкур шартнома шартлари тарафларнинг ёзма ва имзоланган келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.Шартнома асосида имзоланган келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.Шартнома асосида имзоланган барча ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади;

7.2 Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.Бу ҳақда томонлар бир-бирини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши шарт;

7.3 Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади;

7.4 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб,бир хил юридик кучга эгадир.

## VIII.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| *"Буюртмачи"* | *"Бажарувчи"* |
|---|---|
| Учқудуқ ТЙФУК | «БОҚИЙ ИСТИҚБОЛ» ФХ |
| Учқудуқ ш.Йўлчилар -1 | Навбаҳор туман, Бешработ ҚФЙ келачи маҳалла |
| Х/Р 20210000500306384001 | Х/Р 20208000000537985001 |
| Миллий банк Учқудуқ филлиали | Навбахор т., "агробанк" атб навбахор филиали МФО: 00217; ИНН: 303608569 |
| МФО:00880:ИНН200011280 | |
| ХХТУТ:61129 | ХХТУТ: 21150 |
| Директор__________ Э.Мўминов | Директор__________Л.Сайдахматов |